

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича
судлов ҳайъати томонидан 2025 йилнинг иккинчи ярмида
тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича
суд амалиёти обзори**

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 27 июлдаги “Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида”ги РС-44-18-сонли қарорининг 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2025 йилнинг иккинчи ярмида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

2025 йил давомида Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг тафтиш инстанциясида 1 072 нафар шахсга нисбатан 915 та жиноят иши (материал) кўриб тамомланган. Шундан 532 нафар (49,7 %) шахсга нисбатан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган бир вазиятда, 64 нафар (6 %) шахсга нисбатан бекор қилиниб, оқлов ҳукми, 35 нафар (3,3 %) шахсга нисбатан, янги айблов ҳукми чиқарилган, 112 нафар (10,5 %) шахсга нисбатан суд қарорлари бошқа асосларга кўра бекор қилинган, 327 нафар (30,5 %), шу жумладан 81 нафар шахсга нисбатан суд қарорлари моддий зарар қоплангани сабабли ўзгартирилган.



Олий суд тафтиш инстанциясида кўрилган жиноят ишлари бўйича суд қарорлари ярмидан кўпининг ўзгартирилгани (30,5 %) ёки бекор қилингани (19,7 %) вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан ишларни апелляция (кассация) ва тафтиш тартибида кўриш сифати талаб даражасида эмаслигини кўрсатмоқда.

Бундай салбий кўрсаткичлар шаклланишига, Олий суд тафтиш инстанциясида:

Қорақалпоғистон Республикаси (34,8 %), Навоий (33,3 %) ва Бухоро (33,3 %) вилоят судлари қарорларининг бекор бўлиш *(таққослаш учун Андижон вилоят судлари қарорларининг 11,8 фоизи бекор қилинган)*;

Самарқанд (51,7 %), Сирдарё (39,5 %), Жиззах (36,2 %) вилоят судлари қарорларининг ўзгариш *(таққослаш учун Бухоро вилоят судлари қарорларининг 16,7 фоизи ўзгарган)* кўрсаткичи бошқа ҳудуд судларига нисбатан бир неча баробар юқори бўлгани асосий таъсир кўрсатган.

Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясида кўриб тамомланган жиноят ишлари таҳлили, судлар томонидан:

ишдаги мавжуд далиллар ва тарафларнинг важларини синчковлик билан текширмаслик;

етказилган зарар миқдorigа тўғри баҳо бермаслик;

судланувчининг шахси ва судланганлик ҳолатини чуқур ўрганмаслик оқибатида жазони ижро этиш колонияси турини нотўғри белгилаш каби қўпол қонунбузилишларга йўл қўйилганини кўрсатмоқда.

Қолаверса, тарафлар ёки прокурорлар томонидан қуйи инстанция судларида келтирилмаган ЖПКнинг 416-417-моддалари тартибидаги илтимосномаларнинг Олий суд тафтиш инстанциясида келтирилиши бир қатор суд қарорларининг бекор қилинишига сабаб бўлган.

Хусусан, 2025 йил давомида Олий суд тафтиш инстанцияси томонидан жами 15 нафар шахсга нисбатан 10 та жиноят иши юзасидан прокурорлар томонидан келтирилган илтимосномаларга асосан *(қуйи инстанция судларида бундай илтимосномалар келтирилмаган)* ЖПКнинг 416-417-моддалари тартибида ажрим чиқарилган. Мазкур ажримлар ижроси натижасида, янги айблов ҳулосалари тасдиқланган. Оқибатда ЖПКнинг 493-моддасига асосан, суд қарорлари бекор қилиниб, ушбу жиноят ишлари биринчи инстанция судига янгидан кўриш учун юборилган *(айрим ишлар бўйича биринчи, апелляция ёки кассация ва тафтиш инстанцияси судларида қатнашган прокурорларга нисбатан хусусий ажрим чиқарилган)*.

Шу каби, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясида 2 563 нафар шахсга нисбатан 2 441 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб тамомланган.

Иш кўриш натижаларига кўра, 1 672 нафар (65,2 %) шахсга нисбатан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган бир пайтда, 584 нафар (22,8 %) шахсга нисбатан бекор қилинган *(шундан 448 нафар (76,7 %) шахснинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломати йўқ деб топилган, 24 нафар (4,1 %)*

шахсга нисбатан апелляция ёки кассация инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган, 112 нафар (19,2 %) шахсга нисбатан бошқа мазмундаги қарор қабул қилинган), 307 нафар (12 %) шахсга нисбатан ўзгартирилган.



Тафтиш инстанциясида кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан 34,8 фоиз суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлсада, сифат кўрсаткичи ўтган йилнинг мос даврига (42,9 фоиз) нисбатан сезиларли даражада яхшиланган.

Шунга қарамасдан, ҳисобот даврида 448 нафар (жами кўрилган ишларга нисбатан 17,5 %, шундан 281 нафар (62,7 %) шахсга нисбатани Тошкент вилоят судлари қарорлари) шахснинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломати йўқ деб топилгани суд қарорлари барқарорлигини таъминлаш юзасидан ҳали амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар етарли эканини кўрсатмоқда.

Бу борада айниқса, Олий суд тафтиш инстанциясида суд қарорларининг: бекор бўлиш кўрсаткичи нисбатан юқори бўлган Тошкент (59,5 %), Сирдарё (35,1 %) вилоят судлари (таққослаш учун Андижон вилоят судлари қарорларининг 4,2 фоизи бекор қилинган);

ўзгариш кўрсаткичи нисбатан салбий бўлган Андижон (29,2 %) ва Сирдарё (17,6 %) вилоят судларининг (таққослаш учун Навоий вилоят судлари қарорларининг 6 фоизи ўзгарган) мазкур тоифадаги ишларни кўриш сифатини ошириш юзасидан қатъий чоралар кўришни тақозо этмоқда.

Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов хайъати тафтиш инстанциясида кўриб тамомланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар таҳлилига кўра, судлар томонидан:

ҳуқуқбузарликни истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлсада, маъмурий жазо қўллаш;

ҳуқуқбузарлик субъектига тўғри баҳо бермаслик;

қонунда назарда тутилган имтиёزلарни асоссиз равишда қўлламаслик каби қўпол қонунбузилишларга йўл қўйилган.

Қуйида тафтиш инстанцияси томонидан суд қарорларининг ўзгартирилиши ёки бекор қилишига сабаб бўлган айрим мисоллар келтирилади:

Иш бўйича қабул қилинадиган қарор синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текширилган далилларга асосланган бўлиши лозим.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2024 йил 14 мартдаги ҳукмига кўра, И. Жиноят кодекси 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан Жиноят кодексининг 45-моддаси қўлланиб, 1 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ҳамда Давлат кадастрлар палатаси тизимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

Жиззах вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 20 майдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Жиззах вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 7 октябрдаги ажрими билан суд қарорлари ўзгартирилиб, И. Жиноят кодексининг 70-моддасига асосан жазодан озод қилинган.

Суднинг ҳукмига кўра, И. давлат кадастрлар палатаси Жиззах шаҳар филиали мутахассиси вазифасида ишлаб келиб, Жиззах шаҳар ҳокимининг 07.06.2019 йилдаги 2205-сонли қарорида белгиланган 33-контурда эмас, балки давлат захирасидаги 31-контурда “Феруза Бегойим” фермер хўжалиги томонидан ўзбошимчалик билан қурилган 12 та бино-иншоотларга сохта маълумотлар киритган ҳолда кадастр йиғмажилди тайёрлаб, давлат рўйхатидан ўтказган.

Бироқ, Олий суд тафтиш инстанциясида аниқланган ҳолатларга кўра, **жиноят иши қўзғатилишидан олдин:**

- “Феруза Бегойим” фермер хўжалиги раҳбари Жиззах шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилиб, унда фермер хўжалиги **31-контур**даги 0,80 га. ер майдонлари бўйича очик танловда иштирок этиб, ғолиб бўлган бўлсада, Жиззах шаҳар ҳокимининг 2205-сонли қарорида **33-контур**даги 0,80 га. экин экиш учун мўлжалланмаган ер майдонида бинолар қуришга рухсат берилгани қайд қилиниб, техник хатоликка йўл қўйилганини билдириб, қарордаги

“33-контур” деб қайд қилинган хатоликни “31-контур” деб тузатиш киритишни сўраган;

- Жиззах шаҳар ҳокими ушбу техник хатоликни тан олиб, ушбу қарорга ўзгартириш ва қўшимча киритишни сўраб, Жиззах вилоят ҳокимига мурожаат қилган;

- Жиззах вилоят ҳокими ўринбосарининг жавоб хатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.06.2021 йилдаги ПФ-6243-сонли Фармони билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларига оид ваколатлари, улар юзасидан қарор, фармойиш ёки бошқа турдаги ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқи 01.08.2021 йилдан бекор қилингани сабабли, техник хатоликни бартараф қилиш масаласида тегишли судга мурожаат қилиш лозимлиги тушунтирилган;

- Жиззах туманлараро маъмурий судининг ҳал қилув қарорига асосан, “Феруза Бегойим” фермер хўжалигининг даъво аризаси қаноатлантирилиб, Жиззах шаҳар ҳокимлиги зиммасига 2205-сонли қарордаги 33-контурни 31-контур деб ўзгартириш мажбурияти юклатилган;

- Жиззах шаҳар ҳокимининг 20.02.2024 йилдаги қарори билан контур рақами хатолик билан келтирилган “33-контурдан” жумласи “31-контурдан” деб ўзгартирилган.

Шунга қарамасдан, дастлабки тергов органи ҳамда судлар юқоридаги ҳолатларга эътибор қаратмасдан, И.ни жиноят содир этишда айбли деб топган.

Юқоридагиларга кўра, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 31 июлдаги ҳукмига кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, И. нинг қилмишида Жиноят кодекси 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан боғлиқ жиноят таркиби бўлмагани сабабли оқланган.

Йўл қўйган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан дастлабки тергов органи терговчиси ҳамда жиноят ишини биринчи, апелляция ва тафтиш инстанцияси судларида кўрган барча судьяларга нисбатан хусусий ажрми чиқарилган.

1-1301-2401/13-сонли иш

**Етказилган зарар миқдорини аниқлашда
йўл қўйилган хато суд қарорларининг
бекор қилинишига асос бўлди.**

Жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар судининг 2024 йил 22 июлдаги ҳукмига кўра, Ш. нинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 169-моддаси 4-қисмининг “а” бандидан шу модда 2-қисмининг “б, д” бандларига қайта малакаланиб, унга базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида, 34 000 000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 25 октябрдаги ажримига кўра, ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 1 июлдаги ажримига кўра, суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ш. ўзининг яшаш уйида “Kripto-mayning” қурилмаларини ўрнатиб, умумий фойдаланишдаги электр тармоғига ноқонуний равишда, электр энергиясини ҳисобга олиш приборидан ташқари улангани оқибатида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси акциядорлик жамияти манфаатларига 84 307 720 сўм (анча миқдор) зарар етказган.

Бироқ, биринчи инстанция, апелляция ва тафтиш инстанцияси судлари электр тармоқлари корхонаси манфаатларига етказилган зарар миқдорини аниқлашда хатога йўл қўйгани оқибатида, Ш. нинг ҳаракатлари асоссиз қайта малакаланган.

Хусусан, Ўзэнергоинспекция Бухоро вилоят бошқармасининг 30.04.2025 йилдаги мутахассис ҳулосасида, Ш. томонидан электр таъминоти корхонасига етказилган зарар миқдори 900 сўмлик (*тадбиркорлар учун*) тариф бўйича қайта ҳисоб-китоб қилинганда 254 603 520 сўмни ташкил қилиши кўрсатилган.

Шунга қарамадан, тафтиш инстанцияси суди томонидан тайинланган судга оид комплекс иқтисодий экспертизасига кўра, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази Бухоро вилоят бўлимининг 24.06.2025 йилдаги судга оид комплекс иқтисодий экспертиза ҳулосасида:

- **маиший истеъмолчилар** учун белгиланган 295 сўмлик тариф бўйича етказилган зарар миқдори 83 453 376 сўм;

- **тадбиркорлар** учун белгиланган 900 сўмлик тариф бўйича етказилган зарар миқдори 254 603 520 сўмни ташкил қилиши кўрсатилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли Қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш” Қоидаларининг:

631-бандида, уланган қувватидан қатъий назар, **крипто-актив** ва **майнинг** соҳасида фаолиятни амалга оширувчи истеъмолчилар фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гуруҳига асосан белгиланган тарифга нисбатан **5 баробар ўсувчи** коэффициентга мувофиқ тўлаши;

104-бандида, **тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун** хонадонлар, хусусий уй-жойлар, боғ участкалари ва бошқа шахсий объектлардан фойдаланилганда, ишлатилган электр энергияси учун тадбиркорлик фаолиятининг (савдо, хизматлар кўрсатиш, товарлар ишлаб чиқариш ва бошқа) тури бўйича электр энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳига мувофиқ ҳақ тўланиши қайд этилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 31.05.2024 йилдаги 319-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари”нинг 80-бандида, белгиланган тартибда рухсат олмасдан “**майнинг**” билан шуғулланувчи шахсларнинг ягона электр энергетика тизимига уланиш ҳолатлари аниқланганда, уларга II тариф гуруҳига нисбатан

(юридик шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти сифатида) амалдаги тарифга **5 баробар** ўсувчи коэффициент қўлланилиши белгиланган.

Аниқланган ҳолатларга кўра, Ш.Шамсиев электр энергиясини маиший эҳтиёжлари учун эмас, балки даромад олиш мақсадида майнинг аппаратларини улаган ҳолда ишлатиб, 1 100 АҚШ доллари фойда кўрган.

Юқоридагиларга кўра, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 30 сентябрдаги ҳукмига асосан, суд қарорлари бекор қилиниб, Ш.га Жиноят кодекси 169-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари миқдорида, 68 000 000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Ш.дан ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ҳисобига етказилган 254 603 520 сўм зарарни ундириш белгиланган.

1-2003-2401/51-сонли иш

Жазони ижро этиш колонияси тури нотўғри танланган суд қарорлари ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2024 йил 17 апрелдаги ҳукмига кўра, И. Жиноят кодекси 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, жазони **умумий тартибли** колонияларда ўташ белгиланган.

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 12 сентябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 11 февралдаги ажримига кўра, суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, И. муқаддам ўхшаш жиноят содир қилиб, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, Ғ. билан олдиндан тил бириктириб, 2020 йил 11 декабрь куни М.ни янги ташкил қилинадиган “Industrial pyramid” МЧЖга таъсисчи қилиб киритишни ваъда қилиб, уни алдаб, 250 000 АҚШ долларини эгаллаб, ушбу пулларни шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Жиноят кодекси:

50-моддасида, илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб ёки ўтаётган чоғида, қасддан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони **қаттиқ тартибли колонияларда ўташи**;

80-моддасининг 2-қисмида, агар шахс тайинланган жазодан қонунда белгиланган тартибда муддатидан илгари озод қилинган ёхуд жазо енгилроғи билан алмаштирилган бўлса, судланганлик муддати муддатидан илгари озод қилинган ёки енгилроғи билан алмаштирилган жазонинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланиши;

80-моддасининг 4-қисмида, агар жазони ўтаб чиққан шахс судланганлик ҳолатининг муддати тугамай, яна жиноят содир этса, судланганлик ҳолатини тугатувчи муддатнинг ўтиши тўхтатилиши, илгари содир этилган жиноят учун судланганлик ҳолатининг тугаш муддати охири содир этилган жиноят учун (асосий ва қўшимча) жазони амалда ўтаб бўлганидан бошлаб ҳисобланиши белгиланган.

Биринчи инстанция суди мазкур қонун талабларига етарли эътибор қаратмасдан, жазони ижро этиш колонияси турини белгилаган.

Апелляция ва тафтиш инстанция судлари ҳам биринчи инстанция судининг хатосини бартараф қилмасдан, ҳукми ўзгаришсиз қолдирган.

Хусусан, жиноят иши ҳужжатларига кўра:

- жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар судининг 23.06.2017 йилдаги ҳукмига кўра, И. Жиноят кодекси 168-моддаси 2-қисмининг “б, в” бандлари билан 3 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш ва 2 960 000 сўм миқдорда жарима жазосига судланган;

- жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 16.10.2018 йилдаги ажрими билан Жиноят кодексининг 73-моддасига асосан ўталмаган 1 йил 10 ой 7 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинган;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасида, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин **тўрт йил ўтгач** судланганлик ҳолатининг тугалланиши белгиланган.

Яъни И. жазодан шартли озод қилиниб, судланганлик ҳолати тугалланмасдан 11.12.2020 йилда қасддан янги фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Оқибатда, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 11 сентябрдаги ажримига асосан, суд қарорлари ўзгартирилиб, И.га тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини **қаттиқ тартибли колонияларда ўташ** белгиланган.

1-1005-2302/477-сонли иш

Махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилиши тўғрисидаги маълумот жарима солиш ҳақида қарор чиқаришга ваколатли бўлган шахсга қирқ саккиз соат ичида юборилиши лозим.

Тошкент вилоят ИИББ ЙҚХБнинг 2025 йил 13 майдаги қарорига кўра, Б. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 128³-моддасининг 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари, яъни 340 000 сўм жаримага тортилган.

Жиноят ишлари бўйича Нурафшон шаҳар судининг 2025 йил 20 майдаги қарорига кўра, қарор ўзгаришсиз қолдирилган.

Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 10 июлдаги қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд қарорига кўра, Б. 13.05.2024 йилда автотранспорт воситасини 60 км/с тезлик чегараланган жойда 69 (69-5=64) км/с тезликда бошқарган.

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 28 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-985-сонли қонуни билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 271-моддаси **13-банд билан тўлдирилган.**

Ушбу бандга кўра, агар махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилиши тўғрисидаги маълумот жарима солиш ҳақида қарор чиқаришга ваколатли бўлган шахсга **қирқ саккиз соат ичида** юборилмаган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозим.

Шунга қарамасдан, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари ушбу қонун талабига риоя қилмасдан маъмурий органнинг қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Хусусан, иш ҳолатларига кўра, Б.нинг юқорида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир қилгани махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали 13.05.2024 йилда қайд этилган бўлиб, мазкур қоидабузарлик юзасидан жазо қўллаш ҳақидаги қарор **орадан бир йил ўтиб**, яъни 13.05.2025 йилда чиқарилган.

Шунга кўра, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 11 сентябрдаги қарорига кўра, Тошкент вилоят ИИББ ЙХХБ ва суд қарорлари бекор қилиниб, Б.га нисбатан юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 271-моддасининг 13-бандига асосан тугатилган.

3-1-1121-2502/930-сонли иш

Шу каби, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 11 сентябрдаги қарорларига кўра, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали аниқланган:

23.05.2024 йилдаги ҳуқуқбузарлиги учун 13.05.2025 йилда маъмурий жазо қўлланган М.га (3-1-1121-2502/934-сонли иш);

23.11.2024 йилдаги ҳуқуқбузарлиги учун 26.11.2025 йилда маъмурий жазо қўлланган С.га (3-1-1116-2403/1539-сонли иш) нисбатан юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 271-моддасининг 13-бандига асосан тугатилган.

**Ҳуқуқбузарлик субъекти ҳисобланмайдиган
шахсга нисбатан юритилган маъмурий
ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш тугатилди.**

Тошкент шаҳар Чилонзор туман ИИО ФМБ профилактика инспекторининг 2025 йил 15 апрелдаги қарорига кўра, Л. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 47-моддасининг 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари, яъни 375 000 сўм жаримага тортилган.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2025 йил 2 майдаги қарорига кўра, қарор ўзгаришсиз қолдирилган.

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 28 майдаги қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг қарорига кўра, Л. мактабгача таълим ташкилотида тарбиячи вазифасида ишлаб келиб, 15.04.2025 йилда болаларни кундузги сайлга олиб чиққан вақтида М. исмли тарбияланувчи йўқлиги маълум бўлган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 47-моддасининг 1-қисмида, **ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар** томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши учун жавобгарлик белгиланган.

Қонун мазмунига кўра, мазкур ҳуқуқбузарликнинг субъекти фарзанд тарбияси учун масъул бўлган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ҳисобланади.

Л. мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси ҳисобланиб, ушбу ҳуқуқбузарликнинг субъекти бўла олмайди.

Шунга кўра, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 22 июлдаги қарорига кўра, Тошкент шаҳар Чилонзор туман ИИО ФМБ профилактика инспектори ва суд қарорлари бекор қилиниб, Л.га нисбатан юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 271-моддасининг 1-бандига асосан тугатилган.

3-1-1006-2507/2163-сонли иш

**Тадбиркорлик фаолияти билан
шуғулланувчи фуқароларга нисбатан
қонунда назарда тутилган имтиёзнинг
қўлланилмагани суд қарорларининг
бекор қилинишига асос бўлди.**

Шайхонтоҳур туман Давлат солиқ инспекциясининг 2024 йил 19 декабрдаги қарорига кўра, Ш. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс

175-моддасининг 2-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари, яъни 3 750 000 сўм жаримага тортилган.

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 2025 йил 11 мартдаги қарорига кўра, қарор ўзгартирилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 33-моддаси қўлланган ҳолда, тайинланган жазо базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари, яъни 1 125 000 сўмга келтирилган.

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2025 йил 11 июлдаги қарорига кўра, суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг қарорига кўра, Ш. “BUSINESS SCHOOL BY ZONE” НТМнинг 2024 йил ноябрь ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ҳисоботини топширмаган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддасига кўра, ушбу Кодекс 175-моддасининг **биринчи, иккинчи ва бешинчи** қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни **биринчи марта** содир этган тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахслари ёки ходимлари ёхуд тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар йўл қўйилган бузилишларни ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан **ўттиз кунлик муддатда** ихтиёрий равишда бартараф этган ва (ёки) етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозим.

Тафтиш инстанцияси судида аниқланган ҳолатларга кўра:

Ш. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 175-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни **биринчи марта** содир этган;

солиқ ҳисоботини 20.12.2024 йилда топшириб, ҳуқуқбузарлик оқибатини **ўттиз кунлик муддатда** бартараф этган.

Бундай ҳолатда, биринчи ва кассация инстанцияси судлари маъмурий ишни тугатмасдан хатога йўл қўйган.

Натижада, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 21 ноябрдаги қарорига кўра, солиқ инспекцияси ва суд қарорлари бекор қилиниб, Ш.га нисбатан юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 271-моддасининг 11-бандига асосан тугатилган.

3-1-1003-2505/1286-сонли иш

**Жиноят ишлари бўйича
судлов ҳайъати**